# ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЖАҲОН СИЁСАТИДАГИ ИШТИРОКИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Бундан ташқари мен Президентга Америка жамиятида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ишларнинг аҳволига бизнинг ўз нуқтаи назаримиз ҳам борлигини айтдим ва ана шу муаммоларни тилга олдим. **(Қарсаклар).** Бу муаммоларни тафсилотлари билан айтиб бердим. Шундан кейин Президент менинг мулоҳазаларимни рад этиш учун ўзи мулоҳаза юритишга, далиллар излашга тушиб кетди. Мен унга бундай дедим: жаноб Президент, мен сизга мутлақ ҳақиқатни айтяпман деб қаттиқ туриб олмайман, албатта. Мен фақат Америка конгресси маълумотларига асосланаётганлигимни таъкидлайман, ҳатто бу хусусда Америка матбуоти келтирган маълумотлардан фойдаланаётганим йўқ. Ҳозир вақтни беҳуда ўтказмайлик, келинг, муҳокамамизни доимий негизга кўчирайлик. Мен шундай таклиф киритдим: бизнинг парламент алоқаларимиз мавжуд. Келинг, доимий семинар ташкил қилайлик. Сиз ўз баҳоларингизни бизга батафсил айтасиз, биз Америка жамиятида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ишларнинг аҳволига ўз баҳоларимизни сизга айтамиз. Сиз бизга ахборот берасиз, биз сизга ахборот берамиз, сўнгра уларни қиёслаймиз. Бу эса бутун вазиятни равшанлаштиришга ёрдам беради.

Чамаси бизда ҳам у мамлакатдаги, ҳам бу мамлакатдаги ижобий жиҳатларни айирбошлаш имконияти пайдо бўлади. Бу таклиф қабул қилинди ва Қўшма баёнотда ўз ифодасини топди. Биз муҳокама қилиш тарафдоримиз ва бунга доим тайёрмиз.

Биз ўз мамлакатимизни ҳар жиҳатдан мукаммал қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз. Лекин совет кишиларининг олдида, мен уларни кўриб турибман, сизларга айтиб қўяй: биз ўз мамлакатимиз билан фахрланамиз, биз асрлар давомида шу еримизни яшнатиб келяпмиз, ҳимоя қиляпмиз, қувоняпмиз, ачиняпмиз, бу ерда бўлаётган ҳамма ишларга қизиқамиз, ҳозир эса жуда катта жараённи авж олдириб юбордик, бу жараённи биз қайта қуриш деб атадик. **(Гулдурос қарсаклар).** Тушунмай қолдим: бизникилар бу ерда шу қадар кўпми ёки бошқа мамлакатларнинг вакиллари қайта қуришни шундай қўллаб-қувватлашяптими? **(Кулади, жонланиш бошланади, у қарсакларга, олқишга айланади).**

Мен Президентга, келинг бир-биримизни ҳурмат қилиш ва аввало ҳар бир халқнинг танлаб олган йўлини ҳурмат қилиш ҳақида келишиб олайлик, дедим. Қачонлардир бир киши бошқа кишини асоссиз равишда ҳурмат қилмаслиги мумкиндир, ҳурмат қилмаслик учун сабаб бўлганда эса, бундай муносабат бўлишига бутунлай ишониш мумкин. Аммо мен бу мураккаб дунёда ҳар бир халққа нисбатан ҳурмат ва ишончдан, ҳар бир халқнинг ўз йўлини — сиёсий, мафкуравий, маданий ва бошқа йўлларни ўзи танлаб олиш ҳуқуқини тан олишдан бошқа халқлар ўртасидаги муносабатларга асос қилиб олинадиган вазиятга биз ҳеч қачон йўл қўя олмаймиз, деб ўйлайман.

Агар бу фикрга қўшилинмаса биз ўз муносабатларимизни яхшилаб қайта қура олмаймиз, вазиятни ўзгартира олмаймиз. Биз шунга асосланамиз. Биз ўз қадриятларимизга, ўз принципларимизга асосланиб, ўз ишимизни ўзимиз тушунганча амалга ошираверамиз. Биз ўз ишимизни ҳеч кимга мажбур қилиб тиқиштирмаймиз. Бироқ ўз ишимизни қандай олиб бориш тўғрисидаги ҳеч қандай панд-насиҳатларни қабул қилмаймиз.

Катта халқлар ва давлатлар ўртасида ҳурматсизликка йўл қўйиб бўлмайди, мақбул келмайди, шу билан бирга кичик халқлар ва элатларга нисбатан ҳурматсизлик қилишга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ўйлайман.

Бизни ўз мақсадларимиз руҳлантирмоқда. Бизга бировларнинг намунаси керак эмас, ёт қадриятлар бизга керак эмас. Жамиятимиз неча-неча асрларни босиб ўтган. Икки-уч кундан сўнг биз Рус ерида православ христианликка ўтишнинг минг йиллигини нишонлаймиз. Закавказьедаги ва Ўрта Осиёдаги халқларимиз илдизи эса умуман минг йилликларга бориб тақалади. Наҳотки ана шу халқлар бундай тарихий йўлни босиб ўтиб, машаққатлар билан ўзининг ҳозирги тарихига эришиб, тажриба тўпламаган бўлса, ўзини идрок этиш, ўзининг бугунги кунини тушуниб етиш ва шунга мувофиқ равишда ўз жамиятини ривожлантириш учун наҳотки, тарихий, илмий, маънавий потенциалга эга бўлмаса? **(Қарсаклар).**

У ёғини сўрасангиз қайта қуриш пировард натижада ғалаба қозонишига ишончимиз ана шунга асосланган. Биз мамлакатимизда яшаётган халқларнинг донолигига ишонамиз. Худди шу каби Ер юзидаги ҳар бир халқнинг ўз вазифаларини ўз қадриятларига, дунё тўғрисидаги ўз тасаввурларига мувофиқ ҳал этиш ҳуқуқини ҳам тан оламиз.

Мен бу мавзуни ўз нутқимнинг кириш қисмида ривожлантиришга атайлаб аҳд қилдим: ҳозир ҳурмат, тушуниш, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқуқлилик шу қадар муҳимдир. Чунки дунёдаги барча қитъалар ҳаракат қилмоқда, барча халқлар яхши турмуш йўлини изламоқдалар. Халқларга ишонмасликка, улар ўз йўлларини топишларига шубҳа билан қарашга йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз ўз шанимизга айтилган ҳар қандай панд-насиҳатни рад этамиз ва ўзимиз ҳам ҳеч кимга ақл ўргатмоқчи эмасмиз. Дунё мактаб эмаски, унда ўқитувчилар ва ўқувчилар бўлса. Бу ерда биз ҳаммамиз шогирдлармиз. Ҳаёт ва тарих эса бизнинг устозимиз, умумий устозимиздир. Кимнинг қадриятлари кўпроқ қийматга эга эканлигини тарих кўрсатади. Бошқача меъзонлар бўлиши мумкин эмас. Бу жуда муҳимдир.

Бунинг устига биз дунёнинг хилма-хиллиги, биз ҳаммамиз ҳар хил эканлигимиз факти шу дунёни ёмон қилаётгани йўқ, деб ҳисоблаймиз. Аксинча, қиёслаш, айирбошлаш, мақбул бўлган нарсаларнинг ҳаммасини, умумбашарий қадриятларга, ютуқларга оид нарсаларнинг ҳаммасини бир-биримиздан олиш имконияти бор.

Олий даражадаги Москва учрашувининг шу мавзуга тааллуқли қисми хусусида мен айтмоқчи бўлган гап ана шудир.

Энди сизларни суҳбатга таклиф этмоқчиман. Гапиришни истовчилар борми? Марҳамат.

Шундан кейин учрашувнинг чет эллик қатнашчиларидан 44 киши сўзга чиқди. Уларнинг айримлари гапираётганида қизғин луқмалар бўлиб турди.

Пировардида М. С. Горбачев бундай деди:

Кеча мен матбуот конференциясига келганимда, аввало журналистлардан узр сўрадим. Кечикканимнинг боиси шундаки, Президент билан музокараларнинг сўнгида ўртамизда қийин вазият пайдо бўлди. Катта ва муҳим масалалар хусусида очиқ-ойдин, дангал гаплашдик. Биз рўпарама-рўпара туриб суҳбатлашардик, кейин тарқалишиб, маслаҳатлашиб олганимиздан кейин яна юзма-юз бўлардик... Бу осон бўлмади. Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқи раҳбарларининг ана шу муҳим учрашувини имкони борича яхшироқ, катта ижобий натижалар билан якунлашни истар эдик.

Ҳа, осон бўлгани йўқ. Ҳозир ҳам ўйлаб турибман: сиз билан учрашувимизнинг сўнгидаги қийинчиликларни қандай қилиб бартараф этса бўлади? Мен учрашувни қандай бошлашни билган эдим, бироқ энди қандай якунлашни билолмай турибман **(Кулги, қарсаклар).**

Нима ҳам қилардик, биргалашиб бирон йўлини топармиз. Сиз берган саволлар ҳозирча тура турсин. гапираверай, эҳтимол, йўл-йўлакай кўп саволларингизга жавоб ҳам чиқиб қолар.

Аввало шуни айтмоқчиманки, бу ерда икки соатдан кўпроқ вақт мобайнида рўй берган воқеалардан ниҳоятда мамнунман. Бу ердаги рўй-ростлик, самимият ва ишонч вазияти муносабатларимизни янада мустаҳкамлаб турибдики, мен бундан жуда хурсандман ва тўлқинланмоқдаман. Бу нарса шу қадар муҳимки, менга қолса, бу муҳитни биринчи ўринга қўйган бўлур эдим. Ўтган йиллар мобайнида бир-биримизни билиш йўлида, бир-биримиз билан яқинлашиш, ҳамкорлик йўлида тўсиқлар шу қадар кўп бўлдики, уларни бартараф этиб, ҳамжиҳатлик, иззат-ҳурмат, хайрихоҳлик, пировардида эса ишонч йўлини очиш осон эмас. Ҳа, осон эмас! Аммо бизнинг Президент Рейган билан мулоқотимиз намунаси — сиёсий, идеологик қарашлардаги ва эҳтимолки, маданий анъаналардаги катта тафовутлар сабабли, шунингдек, тажрибаси, ҳатто ёши нуқтаи назаридан бир-биридан анча фарқ қиладиган кишилар бирон-бир иш қилиш, бир-бирига пешвоз чиқишга интилиш зарурлигини англаётганлигини кўрсатувчи ҳоллардан биридир. Демак, ҳар қалай умумий масалаларга жавоб топса бўлади, ишонч нишоналарини топса бўлади. Биз Женевада биринчи бор учрашишга ҳозирлик кўраётган пайтимизда, яъни 1985 йилда уч йил ичида биз шу қадар катта йўлни босиб ўтамиз, деган фикр кимнинг хаёлига келибди, дейсиз! Бу бор-йўғи уч йил бўлиб, қисқа муддатдир, лекин мазмунига, шу давр ичида содир бўлган ўзгаришларга кўра бу йўл — жуда катта йўлдир.

Демак, биз бирдек ҳавотирга тушаётганлигимизни ҳаммамиз англаб олган эканмиз, бир-биримизга пешвоз чиқишимиз, рўй-рост гаплашишимиз, далил-исботларимизни ўртага қўйишимиз, ҳамсуҳбат позициясига ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз керак. Агар шундай қилсак, жуда баланд чўққиларга кўтарилишимиз мумкин. Булар қаторига мен ишонч, ҳамжиҳатлик, халқлар тақдирига, ҳар бир халқ тақдирига дахлдорлик туйғусини киритаман. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги пайтда ниҳоятда зарур. Ҳозирги асрнинг реалликлари, айни шу реалликлар анъанавий тасаввурларимизни ўзгартириб юбормоқда. Биз ҳозирги даврнинг реалликларига таянадиган янги ёндашувлар ва янги тасаввурлар асосида олға қараб бормас эканмиз, ҳозир бор нарсаларни яхшилаш у ёқда турсин, ҳатто уларни асраб қололмаймиз. «Совуқ уруш», халқларнинг ётсираши юзага келтирган эскича қарашлардан воз кечиш, ҳар бир халқни иззат-ҳурмат қилиб, бир-бирига пешвоз чиқиш керак.

Баъзи халқлар тарихий тараққиётнинг бир босқичида, айримлари эса бошқа босқичида турибдилар. Айримлар бир системага, бошқалари эса ўзга системага мансубдирлар — халқлар эътиқод қилаётган динлар ҳам турличадир, буларнинг ҳаммаси реалликдир. Биз ҳаммамиз бунга сабр-тоқат қилиб, иззат-икром билан уларни тушунишимиз лозим, чунки одамларнинг ҳамжамияти ана шундай. Энг асосийси — мана шудир!

Бу масиҳликми ёки ҳар қалай, реал сиёсатми? Сизга шуни айтмоқчиманки, жамиятимизга синчков назар ташлаб, унинг тарихи ва бугунги кунига баҳо берганимиздан кейин бу жамиятни одамларнинг манфаатлари йўлида қайта қуриш, янгилаш керак, деган хулосага келдик, биз ўзимиз яшаётган дунёга, бошқа мамлакатларга назар ташлаб буни янгича фикрлашга айлантирганимиздан кейин, худди ана шу фикрлаш негизида ташқи сиёсатимизни тақдим этдик, бир қанча ташаббусларни илгари сурдик, биз реал сиёсат—ички ва ташқи сиёсат асосида худди ана шундай ёндашув бўлиши зарурлиги хусусида ҳамма вақт ўйладик. Аммо шундай йўл тута бошлаганимизда, бизни аввало ҳаётдан, реалликдан ажраб қолган масиҳлик хаёлпарастлигида айбладилар.

Жаҳонда, бутун оламда барча мамлакатларда ўзгаришлар пайти келди —қайта қуришимизга, сиёсатимизга бу қадар қизиқишнинг боиси нимада? Демак, реалликларга асосланган ана шундай сиёсат зарур. Демак бу эндиликда шунчаки орзу-ўйлар, шунчаки ажойиб режалар эмас. Жаҳон 40 йил мобайнида ўзини таъқиб қилиб келган барча нарсалардан чарчади. Одамлар бошқача ҳаёт ва ўзгаришлар зарурлигини тушуниб етдилар. Ҳозирги дунёнинг ядро хавфини бартараф этиш, экологик ҳалокатнинг олдини олиш, қашшоқлик ва касаллик, қолоқлик ва бошқа кўпгина умумжаҳон муаммоларини енгиш зарурлиги тўғрисидаги қатъий талаби янгради. Цивилизация олдида қуйидаги масала кўндаланг бўлди: тафаккурни ўзгартириш, бугунги дунёмизни қуришга муносабатни ўзгартириш керак.

Сиз бу ерда айтган гаплар — биз учун жуда катта мададдир. Демак, буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам ҳаммамизга зарур. Ҳозирги дунёмиз ўз тараққиётида нечоғлик ранго-ранг ва турли-туман, хилма-хил бўлмасин — бу ўзимизнинг ягона замонавий инсоният цивилизациясидир, биз эса ана шу цивилизация ягона организмининг бўғинлари, ўзаро боғланган заррачаларимиз. Назаримда, биз ҳаммамиз бугунги реал дунёда қандай яшаш кераклиги хусусида биргаликда таълим олишнинг катта мактабидан ўтмоқдамиз. Биз илгари билган ҳамма нарсалар — муҳим ва қадрлидир — аммо бошқа билимлар, бошқача ёндашувлар зарур, янги ва ишончга асосланган нигоҳ зарур, бир-биримизнинг кўзимизга тик қарай олишимиз зарур.

Учрашувимизда бир-биримизга пешвоз чиқишимиз лозимлигини, яхшироқ ҳаётни, яхшироқ дунё сари олиб борадиган яхшироқ йўлни қидириш даркор — бу муштарак иш, барча халқларнинг муштарак муддаоси эканлигини тушунганлигингиз учун сизлардан миннатдорман.

Биз ана шундай тушуниш йўлидаги, инсоний ва халқаро муносабатлар ривожланишининг ана шу йўлидаги муштарак иш қатнашчилари бўлишни истаймиз. Бу —биринчидан.

Ҳозир бизнинг яна бир карра шунга ишончимиз комил бўлдики, ядро қуролига қарши ҳаракат, урушга қарши ҳаракат, бошқа тараққийпарвар ҳаракатларнинг миллион-миллион актив тарафдорлари — уларнинг барчаси халқаро сиёсатнинг тенг ҳуқуқли қатнашчиларидир. Уларнинг вакиллари бугун бу ерда сўзга чиқишди. Назаримда, агар гап, албатта жиддий сиёсат ҳақида борадиган бўлса, эндиликда барча мамлакатлардаги оммавий ҳаракатлар тажрибасини инобатга олмай туриб, сиёсат юритиш мумкин эмас — ҳеч бўлмаганда, бу ерда уч соат ичида юз берган воқеаларга асосланиб мен бунга яна ҳам кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдаман.

Ташқи сиёсатга нисбатан сиёсатчилар, генераллар, дипломатлар ва экспертларнинг монополиясига тоқат қилиб бўлмайди, чунки тинчлик ниҳоятда жиддий иш дир.

Учрашувимизнинг асосий мазмунига менда эътироз йўқ. Мен сиз билан биргаликда мазкур муаммони ана шундай тушуниш, унга ана шундай ёндашув, ана шундай нуқтаи назарда бўлиш тарафдориман.

Дўстлар, сиз Москвага, аввало СССР ва АҚШга тааллуқли бўлган воқеа муносабати билан келгансиз — сизнинг бу ерга келишингиз Совет—Америка муносабатларининг аҳамиятини таъкидлайди, албатта. Агар мулоҳаза қилиб кўрилса, бундан бошқа хулоса ҳам келиб чиқади: дунёга фақат Совет-Америка муносабатлари орқалигина назар ташлаш мумкин эмас. Сизлар, мана шу залда ҳозир бўлган кишилар — худди ана шу дунёнинг ўзисиз, унинг ўзига яраша орзу-армонлари бор, унинг Қўшма Штатларга ҳам, Совет Иттифоқига ҳам саволлари бор. **(Қарсаклар).** Бошқача ёндашув ҳозирги дунёнинг реалликларига зид бўлган ва эҳтимол у буюк давлатлар шовинизмининг аллақандай кўриниши бўлур эди — реаллик шундан иборатки, Қўшма Штатлар, Совет Иттифоқи мавжуд — аммо ноёб Европа ҳам мавжуд, унинг тарихий тажрибасида эҳтимол ҳеч ким эга бўлмаган қадрият борки, бу ҳам муштарак мулкдир. Буюк Осиё ҳам мавжуд, ҳаракатга келиб, жўш урмоқда ва ўзининг бахтли тақдири йўлини қидирмоқда. Қаддини ростлаётган Лотин Америкаси, кучқувватга тўлаётган мустақил Африка мавжуд. Буларнинг ҳаммаси — қудратли реалликлардир.

Бундан йигирма йил аввал, борингки, 10—15 йил илгари бирон-бир кимса буларни менсимаган бўлса, эндиликда ана шу реалликларни ҳисобга олмайдиган сиёсат сиёсат эмас. У ҳалокатга маҳкумдир. Ҳа, дунёмиз ранг-баранг, мураккаб дунёдир. Унга катта, турли-туман манфаатлар хосдир. Бизнинг давримизда ана шу дунёнинг барча мураккабликларини инобатга оладиган сиёсатгина бирдан-бир тўғри сиёсат бўлиши мумкин.

Мен яна бир масалани алоҳида айтиб ўтмоқчи эдим. Бугунги суҳбатимизга қулоқ солиб, сўнгги вақтда мени ташвишлантириб турган саволларга жавоб топгандай бўлдим: сиёсат фан-техника тараққиётидан орқада қолмоқда, худди ана шу тараққиёт бошқа мақсадлар қатори қурол-яроғнинг ўсишини ҳам жадаллаштиради. Музокаралар олиб борилаётган пайтда ҳам қуролларнинг янги туркумлари ва турлари пайдо бўлади. Сиёсат кенг халқ оммаси, миллион-миллион одамлар англаб олган нарсадан, аллақачон реал ишларга айланиши ва амалда сиёсатга сингиб кетиши лозим бўлган нарсалардан орқада қолмоқда.

Замон омили эндиликда энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда—буни биз ҳаммамиз эътиборга олишимиз керак—мамлакатларимизда ва умуман жаҳонда содир бўлаётган ишларни англаб олиш жараёни нечоғлик секин кечаётган бўлса, сиёсатда шу қадар орқада қолиш хавфи пайдо бўлади. Биз чиқиб кетиш мушкул бўлган боши берк кўчага кириб қолишимиз мумкин. Шу боисдан ўзим учун сиёсатчи сифатида ва ўйлайманки, сиз учун ижтимоий ҳаракатнинг вакиллари сифатида бу — тўғридир ва мен шундай хулосага келдим: вақтни ғанимат билиб, ҳаракат қилиш керак.

Кўп нарсалар ўзгара бошлади, чоғи. Бунга зарур баҳо бермаслик мумкин эмас—қитъалар, халқлар ҳаракатга келди. Агар сиз билан биз фақат шуни кўриб, ўз миқёслари жиҳатидан ҳам сифат характерига эга бўлган жараёнлардан халқларнинг ташвишга тушаётганлигини кўрмасак, пайқамасак, эътибор бермасак бу жиддий янглишиш, хато бўлур эди. Қуролланиш пойгасига назар ташланг, қашшоқлик ва қолоқлик, ялпи касалликлар, экология муаммолари ва бошқа муаммоларни олиб кўринг. Бундай иллатлар кўпайиб бормоқда. Шу боисдан ҳам ўтмишни ва бугунги вазиятни идрок этиш заминида юзага келган ва ҳаммамизнинг кўнглимизда ниш урган тушуниш эндиликда конкрет ҳаракатлар билан узвий боғланиб, қўшилиб кетиши керак. Бу сиёсатчиларга ҳам тааллуқлидир — бу жамоат арбобларига, сиёсий партиялар ва ҳаракатларга ҳам тааллуқлидир. Биз қайта қуриш сиёсати, уни амалга ошириш йўли билан янги реалликларни тушунишни ҳам қамраб олган янгича ёндашувларни таъминлаймиз.

Умуман мен иккинчи фикримни таъкидламоқчиман: ҳозир сиёсат учун ҳам, сиёсатчилар учун ҳам, айтишим мумкинки, ижтимоий ҳаракатлар учун ҳам вақт, вақт омили етишмаяпти. Шу сабабли ҳаммамизга фавқулодда активлик билан ҳаракат қилиш лозим, деган эътиқод зарур.

Мен айни шу кунларда, АҚШ Президенти шу ерда бўлган пайтда биз, совет раҳбарлари келгуси дунёни қандай тасаввур қилаётганлигимизни айтдим. Биз ўзимиз учун уни ядросиз, зўравонликдан холи бўлган дунё деб тасаввур этамиз. Бўлажак дунёнинг асосий белгилари ана шулардир. Ана шундай дунёга эришиш учун биз ҳар соҳада ҳаракат қилаверамиз. Қуролсизланиш, сиёсий мулоқот, жаҳоншумул муаммоларни, регионал можароларни, умуман «учинчи дунё» муаммоларини ҳал қилишга келганда эса —ўз масъулиятимизни англаймиз, амалий ҳисса қўшаверамиз. Биз ўз гапларимиздан кейин, сиёсат эълон қилингандан кейин шунга мувофиқ амалий ҳаракатлар қилишга интилаётганлигимизни сиз ҳис эта олдингиз деб ўйлайман. Биз ана шундай ҳаракат қилаверамиз.

Бу ерда кўп саволлар берилди, маслаҳатлар, наказлар айтилди — баъзи нарсаларни ўйлаб кўриш керак. Ядро синовларини тўхтатиш муаммосига қайтиш жуда муҳим ва матлублиги ҳам эслатиб ўтилди. Халқаро муносабатларни соғломлаштириш жараёнини ҳамма йўналишларда, жумладан, масалан, Тинч океан региони, Жанубий Осиё йўналишларида ҳам ҳаракатга келтириш лозим дейилди. Яна шуни айтмоқчиманки, биз ҳозир. Европада ва Америкада рўй бераётган жараёнлар Осиёда ҳам, Тинч океанда ҳам бошланишининг қизғин тарафдоримиз. Биз цивилизация ўз тараққиётида Тинч океани томон ҳаракат қилаётганлигини сезиб турибмиз. У ерда катта давлатлар, уюшмалар майдонга чиқмоқда ва шу сабабли у ерда муаммоларнинг кўплиги ҳам табиийдир. Бу жуда мураккаб дунё. Биз Европанинг тажрибасини у ерга тўғридан-тўғри олиб ўтиш лозим, деб асло ҳисобламаймиз, лекин Европа тажрибасининг кўп жиҳатларини идрок этиш ҳамда конкрет шароитларга татбиқан ундан фойдаланиш мумкин бўлур эди. Бу соҳада ҳам ҳаракатни бошлаш керак.

Биз худди шуни таклиф қилганимизда (Владивостокда сўзлаган нутқимда бунга биринчи бор уриниб кўрганман), Совет Иттифоқи бу ерга ҳам чанг солмоқчи бўляпти, ғаразли мақсадларни кўзлаяпти, деган овозлар эшитилди. Ундай эмас, Владивостокдаги нутқимда мен айтган сиёсатимиз — ана шу региондаги барча давлатларга, халқларга, ҳукуматларга айтилган таклифдир— ақл-идрокни ишга солишга, изланишга, дастлабки қадамларни бошлаш учун биргаликда ҳаракат қилишга таклифдир.

Ўшандан буён кўп вақт ўтгани йўқ, биз эса ғоят ажойиб мулоқотлар, мазмуни ва кўлами жиҳатидан яхши музокаралар бўлганлигини қайд эта оламиз. Мен ўз учрашувларимни, совет раҳбарияти вакилларининг ана шу улкан регион намояндалари билан — Ҳиндистон, Хитой, Япония, АҚШ, Австралия билан, АСЕАН мамлакатлари билан, Индонезия, Таиланд билан (яқиндагина шу давлатнинг бош министрини кутиб олдик), бошқалар билан учрашувларини кўзда тутяпман.

Россияда қўлланиладиган ибора билан айтганда, муз кўчди, деб ўйлайман. Мен бу масалага махсус тўхталиб ўтдим. Чунки бу ерда ана шу масала ҳам кўтарилган эди. Шуни айтмоқчиман, сизлар бизнинг масъулиятли, амалий ҳисса қўшишимизга умид қилишингиз мумкин.

Бошқа қизиқарли саволлар ҳам кўп бўлди. Эҳтимол, мен энг якунловчи нутқимдан сўнг бу саволларнинг баъзиларига жавоб қайтаришга ҳожат қолмагандир, қолган саволларга эса кейинги нутқларимдан, Совет Иттифоқи бошқа намояндаларининг нутқларидан жавоб оласиз.

Иштирокингиз учун, Москвадаги шу кунларнинг аҳамиятига ҳисса қўшганлигингиз учун сизларга миннатдорчилик билдираман. Биз бу ҳиссани юксак қадрлаймиз. Бу ерда айтилган гапларнинг ҳаммаси тўғрисида ўйлаб кўрамиз: Ҳаммаси ёзиб олинган.

Ҳаммангизга муваффақият тилайман! Ҳаммангизга янги ташаббускорлик, активлик тилайман! Сизларга ҳамиша жасорат ёр бўлсин! Мен нима учун жасорат ҳақида гапиряпман? Чунки бу шунчаки кўнгилочар сафар ва суҳбатлар эмас, балки курашдир. Бу — кураш. Лекин сиз ўз ихтиёрингиздаги воситаларни қўлланиб, олиб бориладиган курашдир, биз ҳам сизлар олиб бораётган кураш мақсадларини табриклаймиз.

Ҳаммангизга муваффақият ва бахт-саодат тилайман! **(Давомли қарсаклар).**

* * *

АҚШдаги «Френдшип форс» ташкилотининг президенти У. Смит сўзга чиқиб, Вашингтонда олий даражадаги Совет—Америка учрашуви вақтида М. С. Горбачев билан учрашганлигини эслатиб ўтди. Мен Рейган учун овоз берганман, уни қўллабқувватлайман, деди у. Ҳукуматим менга ёқади. Мен оддий америкаликларнинг бириман, деб ўйлайман. Олий даражадаги тўртинчи учрашувнинг муваффақияти билан сизни қутламоқчиман. Сиз жаноб Рейган ҳам қайд этиб ўтган нарсани исботладингиз: одамлар билан ва одамлар ҳақида гаплашиш керак. Ташкилотимизнинг фаолияти «халқ дипломатияси», оддий одамлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш қимматли эканлигини кўрсатмоқда. Эҳтимол, сизнинг АҚШ Президенти билан тўрт марта учрашганлигингиз натижасида сизлар бир-бирингиз билан танишиб олганингиз энг муҳими бўлса керак, матбуот хабарларидан англашимча, Президент Рейган ўз фикрини ўзгартирди. У энди сизнинг мамлакатингизни «ёвузлик империяси» деб ҳисобламаяпти. Одамлар бир-бири билан учрашганида мана шундай ўзгаришлар содир бўлади.

Агар инсоният дўстлар олами бўлиб қолса, ер тинчлик планетасига айланди, деб ўйлайман. Сарфлаётган куч-ғайратингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман, шу куч-ғайратларни давом эттираверинг.

Америка индеецлари ҳаракатининг вакили А. Гонсалес гапиради.

— Сиз илгари америкалик индеецлар билан учрашмаганлигингизни биламиз, шу боисдан буни биринчи учрашув, деб ҳисоблаймиз. Биз аввал ҳам, ҳозир ҳам она еримизда тинчлик учун курашмоқдамиз. Қуролсизланиш, ядро қуролини қисқартириш масалаларида тутаётган позициянгиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

Бизни 500 йилдан кўпроқ вақтдан буён таъқиб этиб келишмоқда. Президент Рейганнинг яқинда америкалик индеецлар тўғрисида айтган гапи Америкадаги мавжуд ирқчиликнинг яққол далилидир. Мен Л. Пелтиердан, ўз сиёсий эътиқодлари учун Америка турмаларига ташланган бошқа кўпгина сиёсий маҳбуслардан сизга эзгу истаклар келтирдим.

Греция хотин-қизлар иттифоқи президенти, «Олий даражадаги самарали учрашув учун курашувчи хотин-қизлар» ҳаракатининг координатори М. Папандреу хоним сўзга чиқади.

— Жаноб Горбачев, Сиз Москва учрашувини тинчликни мустаҳкамлаш йўлида олға қўйилган қадам, деб ҳисоблайсиз, деган умиддамиз. Лекин биз бошқа, янги учрашувлар ҳам бўлишига умид қиламиз. Эҳтимол, биз бунда сабрсизлик қилаётгандирмиз, аммо сизлар муҳокама қилаётган муаммолар ниҳоятда муҳимдир. Сизларнинг мулоқотингиз янгича тафаккурни ривожлантиришга, ялпи хавфсизлик системасини вужудга келтиришга кўмаклашади.

Ядровий қуролсизланиш — Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларга доир масалагина эмас, бу масала ҳаммамизга, катта ва кичик мамлакатларга, «учинчи дунё»га ҳам тааллуқлидир. Қуролсизланиш билан ривожланиш ўртасида, ҳарбий бюджетлар билан очарчилик муаммоси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини тушунамиз.

Сиз билан Президент Рейган имзолаган Шартномани қўллаб-қувватлаймиз, лекин олға боравериш зарур. Айни шу боисдан биз бу ердамиз. Биз сизнинг матонатли иттифоқчиларингиз эканимизни кўриб биласиз. Биз Сизга муваффақиятлар тилаймиз.

«Эльбадаги учрашув иттифоқи»нинг фахрий президенти, иккинчи жаҳон уруши ветерани америкалик У. Робертсонни учрашув қатнашчилари қарсаклар билан кутиб олдилар.

— Америка ва совет ветеранлари ўртасидаги чинакам дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат бундан 43 йил муқаддам юзага келган эди, — деди у.

—Биз 1945 йилда ҳалок бўлганларни унутмаслик, бутун дунёда тинчлик учун, мамлакатларимиз ўртасида яхшироқ ҳамжиҳатлик учун, қуролсизланиш учун курашиш тўғрисида қасамёд қилган эдик.

Урушда 50 миллион киши ҳалок бўлганлигини кўплар унутиб қўйди, ўша ҳалок бўлган кишиларнинг 20 миллион нафари совет гражданлари эдилар. Биз, ветеранлар, уруш даҳшатларини жуда яхши биламиз ва у ҳеч қачон такрорланмаслигини талаб қиламиз.

АҚШ ва СССРдаги, жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги кишилар ядровий қуролланиш пойгаси тўхтатилишини қаттиқ талаб қилмоқдалар. Соғлом фикр ҳар иккала томон бир-бирларидан устунликка эришишга уринмаслигини тақозо этади.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш натижасида бўшайдиган миллиардлаб доллар маблағни Марсга экспедицияни ташкил этишгагина эмас, очларга кўмаклашиш, қашшоқликка қарши курашда «учинчи дунё» мамлакатларига ёрдам бериш, эпидемиялар, касалликлар тарқалган регионларга врачларни юбориш учун биргаликда сарфлашимиз мумкин. Бизнинг мамлакатларимиз ана шу маблағлардан бир-биримизга ўқитувчилар, студентлар, олимлар юбориб туришни кенгайтириш, космосда биргаликда ишлаш учун фойдаланишлари мумкин бўлур эди.

Италиялик сенатор, урушга қарши «Қуролсизланиш архиви» ташкилотининг президенти Л. Андерлини бундай деди:

— Бош секретарь жаноблари, Киев—Одесса маршрути бўйлаб иккинчи тинчлик сафарини ажойиб тарзда ниҳоясига етказишимизга имкон берган шу учрашув учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Мана шу сафар Сизнинг Москвадаги учрашувингиз билан бир вақтда ўтганлиги учун, айниқса, муҳим бўлди, деб ўйлайман. Биз сизларнинг музокараларингиз чоғида содир бўлган воқеаларни эътибор бериб ва зўр қизиқиш билан кузатиб бордик. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Шартноманинг ратификация ёрлиғини совет раҳбарияти томонидан имзолангани нини совет телевидениеси орқали кўрдик. Ана шуни кўрганимда мен, эҳтимол, биз тарихдаги бурилиш палласини бошдан кечираётган бўлсак керак, дедим.

Планетани учинчи жаҳон уруши хавфидан халос этиш миллионлаб кишиларнинг, болаларнинг орзусидир. Биз 2000 йилгача ядросиз дунёга етиб бориш тўғрисида ўйлаяпмиз. Бу орзу ҳам рўёбга чиқиши мумкин.

Бош секретарь жаноблари! Сизнинг зиммангизда ғоят катта масъулият бор. Биз ҳозир муваффақиятларга эришаётган эканмиз, бу Сизнинг янги сиёсатингиз шарофати, мамлакатингиз ўтказаётган сиёсатнинг шарофатидир.

— Мен АҚШдаги Исо черковлари миллий кенгашининг собиқ бош секретариман, — дейди К. Рэндолл. — Бугун мен миллионлаб диндорларни бирлаштирган 32 та ташкилот аъзо бўлган ана шу кенгаш делегациясига бошчилик қилмоқдаман. Москвада биз Совет Иттифоқининг черков арбоблари билан биргаликда учрашувингизнинг муваффақияти учун ибодат қилдик.

Биз 1956 йилдан буён Совет Иттифоқининг дин арбоблари билан учрашиб турамиз. Қайта қуриш ҳозирдаёқ Совет Иттифоқидаги черковнинг аҳволига таъсир ўтказганлигини кўриб, жуда ҳурсанд бўлдик. Бу йил Россияда христианликнинг 1000 йиллиги муносабати билан Қўшма Штатлардан Совет Иттифоқига 800 нафар америкалик келади. Биз бундай учрашув ва мулоқотларни жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Биз тинчлик истиқболларидан хавотирдамиз. Барчани қирилиб кетиш хавфидан халос этиш йўлида ҳамкорлик қилишни истаймиз. Биз ана шу кун келиши учун ибодат қилаверамиз.

АҚШдаги урушга қарши «Сэйн-Фриз» ташкилотининг президенти У. Коффин қуйидагиларни айтди:

Неча ўн йиллар мобайнида айни Қўшма Штатлар қуролланиш пойгасида ҳамиша олдинда бўлиб келди, Совет Иттифоқи эса унга етиб олишга ҳаракат қилди. Эндиликда қуролсизланиш пойгасида бу мамлакатлар ўрин алмашганликлари яққол кўриниб турибди.

Мен олий даражадаги учрашув тўғрисида рўй-рост гапирмоқчиман. Шартнома—тўғри йўналишдаги камтарона қадам, «совуқ уруш» шамоллари ўрнига орзу-умид еллари эсаётганининг рамзидир. Аммо биз одамларни ҳатто бир марта ҳам йўқ қилишга ҳеч қандай сабаб бўлмагани ҳолда уларни йигирма марта ўлдира оладиган ўша даҳшатли қурол нега 50 процент қисқартирилмади? Ядро синовлари нима учун тўхтатилмади, химиявий қуролни тугатиш тўғрисидаги битимга нима учун эришилмади, Европада оддий қурол-яроғларни қисқартиришга нима учун киришилмади, деб сўрашимиз лозим.

Инсон ҳуқуқларига келганда шуни айтиш кераккки, мамлакатингизда ҳозирдаёқ эришилган нарсалар ҳали қилиниши равшан бўлиб қолаётган нарсаларга қараганда бизда, Европа ва Америка урушга қарши ҳаракатларининг вакилларида анча кўпроқ таассурот қолдирди. Америкада юз минглаб америкалик гражданларни эркин, деб айтиш амри-маҳол эканлигини ҳатто Президент Рейган билмаган тақдирда ҳам, буни бутун дунё билади. Кечқурун келиб, тунай оладиган уйига эга бўлмаган гражданлар шулар жумласидандир.

Учрашув қатнашчилари «Тинчлик қушлари» урушга қарши болалар ташкилотининг ёш вакиласи В. Меласниемини самимий кутиб олдилар. Вилма М. С. Горбачевга рус тилида мурожаат этиб, бундай деди:

— Мен «Тинчлик қушлари» ташкилотимизнинг кичик бир делегацияси билан бирга Финляндиядан Москвага келдим. Турли мамлакатларнинг болалари ва ёшлари шу ташкилотнинг аъзоларидир. Биз бутун дунёдан 250 мингтага яқин хат тўпладик. Бу хатларни турли мамлакатларнинг болалари Сизга, ўртоқ Горбачев ва Президент Рейганга ёзишган. Улар ана шу хатларда урушдан ва табиатнинг йўқ қилинишидан қўрқаётганликлари, ўз келажакларидан ҳавотирланаётганликлари тўғрисида ёзадилар. Улар тинчлик ва бахтиёрликни ҳамиша ёвузликка қарама-қарши қилиб қўядилар, шу боисдан ҳам биз келажагимиздан қўрқмаслигимиз керак. Шу келажакни биз барпо этамиз. Ҳар қандай чегараларга ва ўртамиздаги тафовутларга қарамай, «Тинчлик қушлари» Женева ва Вашингтонга учиб бориб, болаларнинг хатларини тақдим этдилар. Ҳозир ана шу хатлар Москвада, биз эса бутун дунё болаларининг орзу-умидларини мумкин қадар кўпроқ кишиларнинг билишини истардик. Тинчлик ғояларини ёйиш, болалар урушдан қанчалик қўрқишларини тушунтириш биз учун жуда муҳимдир.

Олий даражадаги Совет—Америка музокаралари муносабати билан Москвага келган урушга қарши миллий ва халқаро ташкилотларнинг, хотин-қизлар, касаба союз, ёшлар ташкилотларининг, диний ҳамда бошқа ташкилотларнинг жами 44 вакили учрашувда сўзга чиқди.

**(ТАСС).**

